

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОСИМОВ АЗАМАТ АБДУКАРИМОВИЧ**

**САНОАТ ТАРМОҒИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ  
(Сурхондарё вилояти мисолида)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Қосимов Азамат Абдукаримович**

Саноат тармоғи самарадорлигини ошириш жараёнларини эконометрик  
моделлаштириш (Сурхондарё вилояти мисолида).....3

**Қосимов Азамат Абдукаримович**

Повышение экономической эффективности промышленной отрасли на  
основе эконометрического моделирования (на примере Сурхандарьинской  
области).....29

**Qosimov Azamat Abdugarimovich**

Increasing the efficiency of industrial sector and its process of econometric  
modeling (on the example of Surkhandarya region) .....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.29/30.12.2019.1.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОСИМОВ АЗАМАТ АБДУКАРИМОВИЧ**

**САНОАТ ТАРМОҒИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ  
(Сурхондарё вилояти мисолида)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ўқт1104 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.instat.uz](http://www.instat.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Махмудов Носир Махмудович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Атаниёзов Болтабой</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Тўраев Шавкат Шухратович</b> иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент молия институти</b>

Диссертация ҳимояси Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.29/30.12.2019.I.92.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86, факс: (99871) 202-81-86, e-mail: [info@instat.uz](mailto:info@instat.uz))

Диссертация билан Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.С. Гулямов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., академик

**К.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Б.К. Ғайибназаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётида истеъмол ва ноистеъмол товарларининг учдан икки қисми саноат тармоқларида ишлаб чиқарилади. Расмий статистик маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг қарийб 47,8 фоизи ва жами бандликнинг эса 22,4 фоизи айнан саноат тармоқлари ҳиссасига тўғри келади<sup>1</sup>. Халқаро тажрибалар саноат ривожланиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққий этиши, иқтисодий мустақилликка эришиши, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ва бандлик муаммоларини бартараф этишда ҳам муҳим тармоқ эканлигини кўрсатмоқда.

Жаҳондаги глобаллашув шароитида юқори технологияли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳисобига экспортни кўпайтиришга эришиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан саноатнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш, унинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни иқтисодий-математик, эконометрик, статистик жиҳатдан баҳолаш, мезонларини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасини моделлаштириш ва ўсиш (камайиш) тенденцияларини реал прогнозлаш ҳамда моддий харажатларни қисқартиришнинг оптимал вариантларини топиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишида ҳам саноат тармоғи муҳим ўрин тутди. ЯИМни шакллантиришда тармоқлар ялпи қўшилган қийматининг 30,0 фоизи ва унинг қўшимча ўсишида энг юқори улуш 1,6 фоиз айнан саноат тармоғи ҳиссасига тўғри келмоқда, саноатга қурилишни қўшган ҳолда эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 36,4 ва 2,6 фоизни ташкил этади<sup>2</sup>. Ўзбекистонда, айниқса кейинги йилларда ҳудудий саноат тармоқларини янада ривожлантириш, фаол тадбиркорлик ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни рақамлаштириш ва унинг инвестицион жозибадорлиги ва самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини кўтариш, бандликни таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>3</sup> «миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлашда саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори

<sup>1</sup>UNIDO. Pocket Guide to World Statistics – 2018. SeriesV, №42. p.1-19.

<sup>2</sup>Ўзбекистон рақамларда – Т.: Давлат статистика қўмитаси. 2019 й. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида республика худудларида саноат тармоқларидаги мавжуд иқтисодий жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, унинг барқарор ривожланишига таъсир қилувчи омилларни эконометрик ва статистик усуллар ёрдамида миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Бу эса мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4077-сон «Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, жумладан саноатни ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш, баҳолаш, моделлаштириш, тармоқлараро баланс ва оптималлаштириш моделларини тузиш, иқтисодий ўсишни прогнозлаш масалалари хорижлик олимлардан Ch. Cobb, P. Douglas, V. Leontiev, R. Solow, G. Renshaw, R.D. Barro, R.L. Thomas, M. Mukhlis, M. Oytun, A. Muharrem ва M. Hirooka<sup>4</sup> томонидан тадқиқ қилинган.

---

<sup>4</sup>Renshaw G. Maths for Economics (англ.) - New York: Oxford University Press, 2005. - 516-526 p.; Barro P. Д., Сала-и-Мартин Х. Экономический рост / Пер. с англ. – М.: Бином. Лаборатория знаний, 2010. - 824 с.; Thomas R.L. Modern econometrics. - England.: Manchester Metropolitan University, 1998. - 211 p.; M.Mukhlis. et al.: Agglomeration of Manufacturing Industrial, Economic Growth, and Interregional Inequality in South Sumatra, Indonesia // International Journal of Economics and Financial Issues. 2017. №7(4), 214-224 p.; Oytun M., Muharrem A. The Effects of Structural Transformations in Economy on Labor Markets: the Case of OECD Countries // International Journal of Business and Social Science. Vol. 5, No. 9(1) -August 2014.; Hirooka M. Innovation Dynamism and Economic Growth. A Nonlinear Perspective. - Cheltenham, UK - Northampton. MA, USA «EdwardElgar», 2006. – 75 p.

Шу билан бирга, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан саноат тармоғи иқтисодий самарадорлигини ошириш, таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар эконометрик тадқиқ этиш ҳамда ривожланиш муаммолари Н.П.Федоренко, П.В.Аристархов, Р.А.Гатауллин, А.Маршалл, Л.А.Чернышев, Ю.Н.Иванова, Е.В.Маслюкова, А.В.Хорсова, П.И. Разиньков, О.П.Разинькова, А.С.Пелих, О.П.Коробейников, Д.В.Хавин ва В.В.Ноздрин<sup>5</sup> томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш, иқтисодий ўсишини прогнозлаш, ҳудудий саноат тармоқлари ривожланишини таҳлил қилиш, иқтисодий самарадорлигини ошириш ва унга таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлаштириш масалалари С.С.Ғуломов, Н.С.Зиядуллаев, Н.К.Аимбетов, Б.Б.Беркинов, Т.Ш.Шодиев, А.М.Абдуллаев, Ё.А.Абдуллаев, Н.М.Махмудов, Р.Х.Алимов, Б.Т.Салимов, Б.К.Ғойибназаров, Б.Отаниёзов, А.Т.Кенжабаев, И.С.Абдуллаев, Б.Рузметов, Х.Д.Хўжакулов<sup>6</sup> каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқот ишлари саноат тармоғи иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммоларини назарий ва амалий жиҳатдан илмий ўрганишда муҳим асос сифатида хизмат қилади. Аммо ушбу тадқиқотларда ҳудуд даражасида соҳани эконометрик тадқиқ этиш

---

<sup>5</sup>Федоренко Н.П. Вопросы экономической теории. – М.: Наука, 1994. - 222 с.; Аристархов П.В. Разработка элементов механизма управления экономическим потенциалом промышленного предприятия в условиях модернизации. Кандидатской диссертация. Челябинск – 2012 г.; Гатауллин Р.А. Оценка эффективности производственного потенциала промышленного комплекса региона. Диссертация кандидата экономических наук. Ижевск, 2008г.-167 с.; Маршалл А. Принципы экономической науки. – М.: Прогресс, 1993. – 256 с.; Чернышев Л.А. Экономико-математические методы и модели: учеб. пособие – Екатеринбург, 2013. – 30 с.; Иванова Ю.Н. Основы международной статистики: учебник. – М.: Инфра-М, 2013. 621 с.; Маслюкова Е.В., Хорсова А.В. Эконометрическое моделирование взаимосвязи ресурсной обеспеченности и экономического роста региона // 2016. №10(73), 3-4 с.; Разиньков П.И., Разинькова О.П. Оценка экономического потенциала предприятия/ Издательство ТвГТУ, 2016г. - 39-40 с.; Пелих А.С. Экономика предприятия и отрасли промышленности. Учебное пособие. – Д.: Феникс, 2004. – 448с.; Коробейников О.П., Хавин Д.В., Ноздрин В.В. Экономика предприятия. Учебное пособие. – Нижний Новгород, - “ОРКС”, 2003. – 47 с.

<sup>6</sup>Гулямов С.С. Проблемы моделирования развития территориально-промышленных комплексов. дисс. на соиск. учен. степ. докт. экон. наук. – М., 1974; Зиядуллаев Н.С. Моделирование региональных экономических систем. Отв.ред. акад. С.С.Шаталин. – М.: Наука, 1985; Аимбетов Н.К. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): иқт. фан. док. автореф. – Т.: ТДИУ.; Беркинов Б.Б. Пахтачилик минтақасида қишлоқ хўжалигини юритиш тизимини моделлаштириш. док. дис. – Т.: ТХХИ, 1991; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. докт. экон. наук. – Т.: ТГЭУ, 1988.; Абдуллаев А.М. Региональные проблемы прогнозирования научно-технического прогресса в промышленности. Автореф. дисс., на соиск. докт. экон. наук. – Т., 1989.; Ё. Абдуллаев. Регионал иқтисодиёт самарадорлиги статистикасидаги муаммолар. иқт. фан. док. дис. – М.: МЭСИ, 1987 й.; Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопко-перерабатывающих отраслей.: дисс. докт. экон. наук. – Т.: ТГЭУ, 1993.; Алимов Р.Х. Прогнозный анализ и управление развитием хлопковопромышленных комплексов. Дисс. докт. экон. наук. – Т.: ТГЭУ, 1993.; Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. – Т.: Ўқитувчи, 1995. - 154 с.; Ғойибназаров Б.К. Ўзбекистон Республикаси миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асослари. док. дис. – Т.: ТДИУ, 2006; Кенжабаев А.Т. Эконометрическое моделирование развития промышленности города: на примере города Алмалыка: дис. канд. экон. наук. – Т., 1990.; Абдуллаев И.С., Рузметов Б. Худудий иқтисодий тизимни ривожланишини прогнозлашнинг комплекс сонли эконометрик моделлари. Монография. – Тошкент: “Lesson Press”, 2017. 14 бет.; Хўжакулов Х.Д. ва бошқ. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш шароитида таркибий ўзгаришларнинг самарали йўллари статистик методлар асосида ишлаб чиқиш. Монография – Т.: Наврўз, 2018. – 206 б.

масалаларига етарли эътибор берилмаганлиги мазкур мавзунинг тадқиқот иши сифатида танланишига асос бўлди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-154-сон «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳудудий саноат тармоғи ривожланиш жараёнларининг таркибий ва тузилмавий ўзгаришларини таҳлил қилиш, иқтисодий самарадорлигининг эконометрик моделларини тузиш ва прогнозлаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ҳудудий саноат тармоғини эконометрик моделлаштириш асосида иқтисодий самарадорлигини тадқиқ этишнинг назарий асосларини ёритиш;

ҳудудий саноат тармоқлари ривожланиш жараёнларини таҳлил қилишда унинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар тайёрлаш;

Сурхондарё вилояти саноат тармоғидаги таркибий ва тузилмавий ўзгаришларини эконометрик ва статистик таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш;

ҳудудий саноат тармоғи иқтисодий самарадорлигини тадқиқ қилишнинг эконометрик моделларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳудудий саноат тармоқлари иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва унинг механизмини ишлаб чиқиш ҳамда баҳолаш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар тайёрлаш;

саноат корхоналари ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш моделларини ишлаб чиқиш ҳамда саноат самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳудудий саноат тармоқлари иқтисодий салоҳияти кўрсаткичларини прогнозлаш бўйича таққослама тренд тенгламаларини тузиш ва Сурхондарё вилояти саноат тармоқлари иқтисодий кўрсаткичлари прогноз қийматларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Сурхондарё вилояти саноат тармоғининг иқтисодий фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ҳудудий саноат тармоқлари таркибий тузилиши, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ривожланиш омиллари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, мантикий фикрлаш, таҳлил ва синтез, статистик кузатиш ва жамлаш, гуруҳлаш, таққослаш, динамика қаторлари, прогнозлаш, иқтисодий-математик ва эконометрик усуллар қўлланилган.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳудудий саноат салоҳиятини ифодаловчи интеграллашган кўрсаткичлар тизими «инвестицияларнинг саноат ўсишига таъсири даражаси», «саноатда инновацион салоҳият даражаси» ва «саноатда экспортни диверсификациялаш» индикаторларини киритиш орқали такомиллаштирилган ( $HSSI_k \rightarrow f[I_{jk} \sum(M_r; I_{ss}; D_s; A_d; U_d) + I_{qk} \sum(Y_{aHM}; M_s; MT_s; MU; SE_d; I_{st}) + G_k \sum(HG_j; H_i; E_i; TxA_b; LI_h) + T_k \sum(H_s; BI_h; TAS_h; I_s)]$ );

ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажмига «логистик харажатлар ўзгариши»нинг мультипликатив боғланишини эконометрик баҳолашнинг экспоненциал тренд ва ишлаб чиқариш функцияларининг модификациялашган моделлари ишлаб чиқилган ( $y = ae^{btcx}$ ), ( $Q = AK^\alpha L^\beta T^\gamma$ );

ҳудудий саноат корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш самарадорлигини инвестицион, инновацион ва технологик омиллар ҳисобига эконометрик баҳолашнинг интеграл коэффициентлари ишлаб чиқилган ( $I_{st} = \frac{Q_{s1} - Q_{s0}}{I_h}$ ), ( $IS = SK + IF + IM + IT$ );

таққослама тренд моделларини тузиш асосида Сурхондарё вилояти саноатининг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳудудий саноат тармоқлари ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини интеграл кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқ хусусиятлари асосланган;

ҳудудий саноат тармоқлари иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикасини тизимли таҳлил қилиш ҳамда омиллар таъсирини эконометрик баҳолаш асосида экспоненциал тренд ва кўп омилли ишлаб чиқариш функцияларининг такомиллашган вариантлари ишлаб чиқилган;

саноатнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш усуллари ва унинг чегаравий мезонлари таклиф этилган;

тўқимачилик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш дастурларини оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган ва «Surxon sifat tekstil» МЧЖ корхонаси фаолиятида фойдаланиш учун тавсия этилган;

Сурхондарё вилояти саноати иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг ўрта муддатли (2021-2025 йиллар) прогноз қийматлари ҳамда саноат тармоғини интенсив ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги муаллиф томонидан тадқиқот ишига доир хорижий ҳамда маҳаллий олимлар олиб борган илмий-назарий, методологик тадқиқотлари асосида, фойдаланилган ахборотлар базасининг ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги ҳудудларда саноатни ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга қай даражада мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосалар мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳудудий саноат тармоқларини барқарор ривожлантириш ва салоҳиятини ошириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш жараёнларини миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиш, иқтисодий самарадорликни баҳолаш ва прогноз қилишда услубий асос сифатида хизмат қилиши билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда татбиқ этилган услуб ва моделлардан ҳудудий саноат тармоқлари иқтисодий самарадорлигини оширишдаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш, инновацион ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш ҳамда соҳага оид келгусида олиб бориладиган илмий изланишлар учун манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳудудий саноат тармоғини эконометрик моделлаштириш асосида самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳудудий саноат салоҳиятини ифодаловчи интеграллашган кўрсаткичлар тизими «инвестицияларнинг саноат ўсишига таъсири даражаси», «саноатда инновацион салоҳият даражаси» ва «саноатда экспортни диверсификациялаш» индикаторларини киритиш орқали такомиллаштирилган варианти Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 05/17-04-12/20-1049-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ҳудуд саноатининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини тавсифлашда, мавжуд захираларни белгилашда статистик ахборотлар базасини кенгайтириш ва кўрсаткичлар орқали баҳолаш имкониятлари ошган;

ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажмига «логистик харажатлар ўзгариши»нинг мультипликатив боғланишини эконометрик баҳолашнинг экспоненциал тренд ва ишлаб чиқариш функцияларининг модификациялашган моделлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 05/17-04-12/20-1049-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф амалиётга жорий этилиши натижасида саноат ривожланишида омиллар таъсирини баҳолаш асосида саноатнинг ўсиш суръатларини олдиндан билиш ва режалаштириш натижаларининг ишончлилиқ даражасини оширишга эришилган;

ҳудудий саноат корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш самарадорлигини инвестицион, инновацион ва технологик омиллар ҳисобига эконометрик баҳолашнинг интеграл коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 05/17-04-12/20-1049-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётда жорий

этилиши натижасида ҳудудий саноат ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш жараёнини соддалаштириш ва кенг қамровли натижалар олиш ҳамда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш имкониятлари ошишига эришилган;

Сурхондарё вилояти саноатининг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 05/17-04-12/20-1049-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётда жорий этилиши натижасида ҳудудий саноатни иқтисодий ривожлантириш бўйича йиллик таҳлилий материаллар тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда 3 та ва маҳаллий журналларда 5 та илмий мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ҳудуд саноати тармоғини эконометрик моделлаштириш асосида иқтисодий салоҳиятини тадқиқ этишнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида ҳудудий саноат тармоғи иқтисодий салоҳияти таркибий тузилмаси, уни баҳолаш кўрсаткичлари тизимлаштирилган ва саноат тармоғини эконометрик моделлаштириш асосида тадқиқ этиш хусусият ва тамойиллари назарий жиҳатдан ёритилган.

Ривожланган жамиятда саноат тушунчасини инсонлар хоҳлаган ва зарур бўлган кўпгина маҳсулот ҳамда хизматларни ишлаб чиқарувчи тармоқ сифатида эътироф этиш мумкин. Жумладан, Европа давлатларида саноатни

кундалик турмушда фойдаланадиган маҳсулотлар билан таъминловчи барқарор иқтисодийнинг асосий омили сифатида эътироф этилмоқда<sup>7</sup>.

Иқтисодий салоҳиятни анъанавий нуқтаи назардан табиий ресурслар, меҳнат ресурслари ва моддий-техник ресурсларнинг умумий самарадорлиги сифатида тавсифлаш мумкин. Аммо саноат иқтисодий салоҳияти кенг қамровли бўлиб, у бир қанча соҳа ва омилар билан ўзаро иқтисодий жиҳатдан боғлиқликда ифодаланади (1-расм).



**1-расм. Худудий саноат тармоқларини ривожлантиришда омиларнинг ўзаро боғлиқлиги<sup>8</sup>**

Тадқиқотда хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг фикрлари ҳамда халқаро тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали худудий саноат тармоқлари ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолашда фойдаланилувчи худуд ва саноат корхоналаридаги жараёнлар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими тўрт гуруҳга ажратилди: ижтимоий, иқтисодий,

<sup>7</sup>Joint Paper in reaction to the Communication of the European Commission on “Investing in a smart, innovative and sustainable Industry: A renewed EU Industrial Policy Strategy. January 2018. – 6 p.

<sup>8</sup>Муаллиф ишланмаси.

географик ва ташкилий (2-расм), ушбу интеграллашган кўрсаткичлар тизимининг ўзаро боғлиқлигини иқтисодий-математик ифода кўринишидаги умумий функция сифатида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$HSSI_k \rightarrow f [I_{jk} \sum (M_r; I_{ss}; D_s; A_d; U_d) + I_{qk} \sum (YaNM; M_s; MT_s; MU; SE_d; I_{st}) + G_k \sum (HG_j; H_i; E_i; TXA_b; LI_h) + T_k \sum (H_s; BI_h; TAS_h; I_s)]$$



**2-расм. Ҳудудий саноат тармоқлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш салоҳиятини белгиловчи кўрсаткичлар тизими<sup>9</sup>**

Мазкур кўрсаткичлар тизими нафақат ҳудуд саноатининг иқтисодий ҳолатини, балки ҳудуднинг ривожланиш истиқболини белгилаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва истиқболларини прогноз қилишда муҳим ахборотларга, таҳлилларга эга бўлиш имкониятини беради.

Шунингдек, тадқиқотда ҳудуд ва саноатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш механизми ишлаб чиқилди. Олиб борилган таҳлил натижалари, ҳудудий саноат ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилувчи ўзига хос омилларни ҳисобга олиш, ҳудудларда талаб ва таклифнинг нотекис тақсимоли таъсирини юмшатиш ҳамда экспортни ривожлантириш мақсадида Хитой Халқ Республикаси ва бошқа саноати ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, «давлат хариди» тизимини жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш олис ҳудудларда ҳам саноат ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнларни иқтисодий-математик моделлар асосида аниқ ва ишончли таҳлил қилиш механизми мавжуд бўлиб, бу жараённи такомиллаштириш борасида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Худди шундай жаҳон амалиётида саноатни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда иқтисодий-математик, эконометрик моделлар ва статистик таҳлиллардан кенг фойдаланиб келинмоқда.

<sup>9</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

Саноат ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштиришнинг муҳим жиҳати шундаки, ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини математик ифодалаш, баҳолаш ва саноат кўрсаткичларини прогноз қилиш ҳамда кутилиши мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олиш, хавфни камайтиришга эришиш имконини беради. Шунингдек, тадқиқотда саноатни таҳлил қилишда иқтисодий-математик, эконометрик усул ва моделлардан фойдаланишнинг афзалликлари ва ўзига хос хусусиятлари батафсил ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Худуд саноат тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги эконометрик моделлар таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида Сурхондарё вилояти саноат тармоқларидаги таркибий ва тузилмавий ўзгаришларнинг статистик таҳлили ҳамда саноатнинг иқтисодий салоҳиятини белгиловчи асосий омилларнинг саноат маҳсулотлари ҳажмига таъсири эконометрик моделлар асосида баҳолаб берилган, шунингдек худудий саноат тармоғини ривожлантиришдаги Давлат дастурлари натижалари ва унга боғлиқ омиллар моделлаштирилиб, уларни янада ривожлантириш бўйича таклифлар келтирилган.

Сурхондарё вилоятида 2019 йил давомида ишлаб чиқарилган ЯХМ 22349,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилга нисбатан 6,3 фоизга ўсди. Шу даврда вилоятда 4402,8 млрд. сўм саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу (қурилишни қўшган ҳолда) ЯХМни шакллантиришда тармоқлар ялпи қўшилган қийматининг 16,0 фоизини ташкил этди.

2019 йилда вилоят худудлари бўйича, хусусан, Олтинсой 84,3 млрд. сўм, Ангор 114,1 млрд. сўм, Бойсун 80,7 млрд. сўм, Музработ 92,7 млрд. сўм, Денов 575,0 млрд. сўм, Жарқўрғон 930,4 млрд. сўм, Қумқўрғон 208,2 млрд. сўм, Қизирик 137,4 млрд. сўм, Сариосиё 342,7 млрд. сўм, Термиз 146,7 млрд. сўм, Узун 128,7 млрд. сўм, Шеробод 334,5 млрд. сўм, Шўрчи 400,9 млрд. сўм ва Термиз шаҳрида 826,4 млрд. сўм саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткичлар вариацияси 2010-2019 йилларда Олтинсой, Ангор, Бойсун, Музработ, Қизирик, Термиз ва Узунда 40-80 млрд. сўмни, Қумқўрғон, Сариосиё ва Шерободда 115-135 млрд. сўмни, Денов, Жарқўрғон, Шўрчи ва Термиз шаҳрида 200-320 млрд. сўмни ташкил қилган (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Сурхондарё вилояти туманларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича табақаланиши<sup>10</sup>

Саноат ишлаб чиқариш паст (100 млрд. сўмгача)	Саноат ишлаб чиқариш ўртача (100-200 млрд. сўм)	Саноат ишлаб чиқариш юқори (200 млрд. сўмдан юқори)
Олтинсой, Ангор, Бойсун, Музработ, Қизирик, Термиз, Узун	Қумқўрғон, Сариосиё Шерабод	Денов, Жарқўрғон Шўрчи, Термиз шаҳри

<sup>10</sup>Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Бундан ташқари, вилоятдаги мавжуд саноат тармоқлари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар Сурхондарё вилояти саноат тармоқларини шартли равишда йирик уч гуруҳга ажратиш имконини берди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Сурхондарё вилояти саноат тармоқлари бўйича гуруҳлар таркиби ва улардаги мавжуд муаммолар ҳамда чора-тадбирлар<sup>11</sup>

I	Заиф тармоқлар	Изоҳ	Чора-тадбирлар
а)	Энергетика, ёқилғи ва тиббиёт саноати	Соҳа ривожланишига узок йиллар давомидаги эътиборсизлик ва молиялаштиришда муаммолар мавжудлиги	Тўполанг ГЭС тўла қувватда ишлашини таъминлаш, тоғли ҳудудларда шамол ЭСларидан фойдаланиш, кўшимча конлардаги ишларни жонлантириш, табиий доривор ўсимлик плантацияларини барпо этиш ва қайта ишлаш, хорижий инвестициялар жалб этиш
б)	Кимё ва нефть-кимё, қора металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, полиграфия, ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз, шиша ва чинни (фаянс) саноатлари	Ўтган даврда мазкур тармоқлар маҳсулотларига эҳтиёж кам бўлганлиги ва уни импорт орқали қондиришнинг қулайлиги, ҳудуднинг географик ва сиёсий жойлашуви сабабли экспортдаги қийинчиликлар ва логистика харажатлари юқорилиги, шунингдек, аҳоли даромадлари ҳажми пастлиги	Геологик кидирув ишларини кучайтириш орқали янги табиий ресурс манбаларини топиш ва фойдаланиш, соҳада инвестициялар салмоғини ошириш, маҳсулотлар экспортини кенгайтириш, логистика инфратузилмаси ҳолатини яхшилаш ва транспорт харажатларини камайтириш
<b>II Тартибсиз ривожланган тармоқлар:</b>			
а)	Тўқимачилик саноати	Тармоқ корхоналарини технологик модернизация қилишдаги молиявий етишмовчиликлар, товарлар рақобатбардошлиги паст эканлиги, тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар экспорти яхши йўлга қўйилмаганлиги	Янги тўқимачилик корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилишда имтиёзли кредит ва давлат субсидияларини ажратиш, юқори технология билан қайта жиҳозлаш орқали маҳсулотни диверсификациялаш, таннархни пасайтириш ва сифатни ошириш орқали экспортни ривожлантириш
б)	Ун, ёрма ва ем ишлаб чиқариш саноати	Тармоқнинг монополлиги ва ишлаб чиқариш жараёни тўғри ташкил этилмаганлиги	Монополияни тугатиш, қишлоқ хўжалик кластерлари таркибида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш
<b>III Барқарор ўсишга эга тармоқлар:</b>			
а)	Озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноати	тармоқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг кескин ошиб бориши, арзон хомашё базасининг мавжудлиги, соҳага берилаётган кенг имкониятлар	соҳада кичик тадбиркорликни ривожлантириш, банк кредитлари орқали имтиёзли молиялаштиришни кучайтириш, тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажмини оширишга қўмаклашиш

Вилоят саноат тармоқларида таркибий ва тузилмавий ўзгаришларнинг статистик таҳлил натижаларига кўра, ҳудуд саноати ривожланиши умумий

<sup>11</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

динамикасига таъсирини баҳолашда таркибий ўзгаришлар ҳам қўшимча омил сифатида кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Тузилма динамикасини таҳлил қилишда тизимли ўзгаришлар ва иқтисодий ўсиш динамикасини тавсифловчи композицион кўрсаткичлар, тузилмавий эгилувчанлик коэффиценти қўлланилади. Бунда тузилмавий эгилувчанлик инерционал ва инновацион компонентлардан иборат бўлиб, уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин<sup>12</sup>:

$$E = \frac{N_1}{N_2}, \quad (1)$$

бу ерда:  $E$  – тузилмавий эгилувчанлик коэффиценти;  $N_1$  – инерционал компонент – таркибий кечикиш;  $N_2$  – декомпозиция компоненти – таркибий ривожланиш.

Таркибий кечикиш ва таркибий ривожланиш умумий қиймати қўшимча ўсиш суръати қўшимча ўсиш суръатига тенг бўлса, у ҳолда қуйидаги боғланиш ўринли бўлади:

$$N_1 = I - N_2; \quad N_2 = I \times M / 100 \%,$$

бу ерда:  $I$  – қўшимча ўсиш суръати,  $M$  – таркибий силжиш массаси.

Тадқиқот давомида Сурхондарё вилояти саноат тармоқлари таркибий ва тузилмавий динамик кўрсаткичлар қийматлари аниқланди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Саноат маҳсулоти ҳажми ва таркибий-тузилмавий ўзгаришларни ифодаловчи кўрсаткичлар ўсиш суръати динамикаси (% да)<sup>13</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар							
		2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1.	Саноат маҳсулотлари ҳажмиўсиш суръати, $Q_i$	108,6	107,3	111,2	110,0	107,9	100,5	109,9	109,3
2.	Қўшимча ўсиш суръати, $I$	8,6	7,3	11,2	10	7,9	0,5	9,9	9,3
3.	Таркибий силжиш массаси, $M$	3,5	3,3	3,1	2,8	2,5	2,2	2,0	1,2
4.	Қайта тикланган таркибий силжишнинг ўсиш суръати, $m_i$	105,1	104,0	108,1	107,2	105,4	98,3	107,9	108,1
5.	Таркибий кечикиш, $N_1$	4,8	3,8	7,8	6,9	5,2	-1,7	7,7	8,0
6.	Таркибий ривожланиш, $N_2$	3,8	3,5	3,4	3,1	2,7	2,2	2,2	1,3
7.	Тузилмавий эгилувчанлик, $E$	1,0	0,2	4,3	3,9	2,5	-3,9	5,4	6,7

Таҳлилга кўра, Сурхондарё вилояти саноат тармоқларида таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар «таркибий мувозанат» мезони билан баҳоланди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, саноат ишлаб чиқаришнинг моддий асоси ҳисобланган ва ишлаб чиқариш ҳажмига бевосита юқори даражада таъсир этувчи омиллар капитал ва меҳнат ресурслари ҳисобланади. Капитал ва меҳнат омиллари таъсир доирасининг рационал нисбатлари ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида аниқланади.

$$Q = AK^\alpha L^\beta \quad (2)$$

<sup>12</sup>Шевченко И.К., Развадовская Ю.В. Анализ структурно-динамической интенсивности развития отраслей промышленного сектора экономики // Инженерный вестник Дона, №4-2/23. 2012. - 3 с.

<sup>13</sup>Муаллиф ҳисоб-китоби.



бу ерда,  $Q$  – саноат маҳсулотлари ҳажми,  $K$  – саноат тармоғига киритилган инвестициялар ҳажми,  $L$  – саноатда банд бўлганлар сони,  $A$ ,  $\alpha$  ва  $\beta$  моделнинг номаълум параметрлари.

Сурхондарё вилояти саноати бўйича эконометрик таҳлил натижаларида Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси қуйидагича ифодаланди:

$$Q = 6,08K^{0,18}L^{3,89}$$

$$R^2 = 0.98, F = 285.69, t_{\text{хис.}} = 4.3, 2.6, 5.9, \bar{A} = 0,48\%, DW = 2.42$$

Мазкур модель капитал сарфининг 1 фоизга кўпайиши ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,18 фоизга, меҳнат сарфининг 1 фоизга кўпайиши эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 3,89 фоизга ошишини кўрсатмоқда. Шунингдек,  $\alpha + \beta > 1$  ҳолат кузатилди, бундай ҳолат аксарият ривожланаётган иқтисодиётга хосдир. Чунки ривожланаётган иқтисодиётда ривожланиш турли даражадаги кескин ўзгарувчан тенденцияга эга бўлади.

Ресурснинг ўртача самарадорлиги –  $i$ -ресурснинг бирлиги учун қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади ва у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\mu_i = \frac{Q}{x_i} \quad (3)$$

(3) формула Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси бўйича, яъни ўртача капитал ва меҳнат унумдорлиги қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$\mu_K = \frac{Q}{K} = \frac{AK^\alpha L^\beta}{K} = AK^{\alpha-1} L^\beta \quad (4)$$

$$\mu_L = \frac{Q}{L} = \frac{AK^\alpha L^\beta}{L} = AK^\alpha L^{\beta-1} \quad (5)$$

Олинган натижаларга кўра, 2010-2019 йиллар мобайнида Сурхондарё вилояти саноат тармоқларига киритилган капитал ва меҳнат ресурсларининг ўртача самарадорлиги, яъни 1 бирлик капиталга 2,8 бирлик маҳсулот тўғри келган бўлиб, у шу даврда қарийб 2,7 баробарга камайиб кетган. Шунингдек, 1 бирлик меҳнат ресурсига эса 31,4 бирлик маҳсулот тўғри келиб, шу даврда меҳнат унумдорлиги қарийб 4,2 баробарга ошган.

Маълумки, ҳудудлар географик жойлашуви, иқтисодиётининг таркиби, инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси, демографик ҳолати, шунингдек, иқлими, сув ва табиий ресурслардан фойдаланиш салоҳияти билан ўзаро фарқ қилади. Шундай экан табиийки, ишлаб чиқаришнинг таъминоти ва харажатлар таркиби ҳам шунга мувофиқ фарқланади. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, арзон хомашё ва арзон меҳнат ресурслари мавжуд Сурхондарё вилоятида товарларни ташиш билан боғлиқ логистик харажатлар республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан юқори.

Шу сабабли, логистик харажатлари юқори бўлган ҳудудларда саноатга омиллар таъсирини эконометрик таҳлил қилишда логистик харажатлари ўзгаришининг таъсирини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

$$y = ae^{bt} \quad (6)$$

(6) экспоненциал тренд модели асосида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан логистик харажатлар ўзгариши ўртасидаги мультипликатив боғланишни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$y = ae^{btcx} \quad (7)$$

бу ерда:  $y$  – саноат маҳсулотлари ҳажми,  $a, b, c$  – экспоненциал тренд функциясининг параметрлари,  $t$  – вақт омили,  $x$  – логистик харажатлар ўзгариши,  $e$  – натурал логарифм асоси ( $e = 2,718$ ),

$$y = 4,7432e^{0,55t0,819x}; \bar{A} = 1,88 \%; R^2 = 0,89; F_{\text{хис.}} = 33,21; S=0,21.$$

Таҳлил натижалари, вилоят саноат маҳсулотлари ҳажми ўзгаришига омилларнинг ялпи таъсири ва вақт омилига нисбатан логистик харажатлар ўзгаришининг эластиклик коэффициенти, яъни саноат ўсишига таъсир даражаси юқори эканлигини кўрсатди.

Шу боис, логистик харажатлар юқори бўлган ҳудудлар саноати ривожланишида асосий омиллар ҳисобланган капитал ва меҳнат ресурслари қаторида юқори таъсир кўрсатувчи омил сифатида логистик харажатлар ўзгаришини ҳисобга олиш лозим. Бунда Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Q = f(K, L, T) \rightarrow Q = AK^{\alpha}L^{\beta}T^{\gamma} \quad (8)$$

$$Q = 0,000153K^{0,195025}L^{3,561069}T^{0,163059}$$

$$\bar{A} = 0,44 \%; R^2 = 0,99; F=230,08; S_y = 0,0632; DW=2,39$$

Таҳлилларга кўра, вилоятда логистик харажатларнинг 1 фоизга камайиши саноат маҳсулотларининг қарийб 0,2 фоизга ўсишига олиб келади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай ҳудудлар саноатини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда давлат дастурлари муҳим аҳамият касб этади. Таҳлилларга кўра, Сурхондарё вилояти саноат маҳсулотлари ҳажми ( $Y$ ) 2000-2019 йиллар мобайнида мунтазам турли даражадаги ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, шу даврда саноатга давлат дастурлари доирасида киритилган молиявий ресурслар ( $X_1$ ), янгиланган технологиялар ( $X_2$ ), меҳнат унумдорлиги ( $X_3$ ) ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони ( $X_4$ ) ҳам ўсиш динамикасига эга эканлигини кузатиш мумкин.

Мазкур омилларнинг ( $X_i$ ) саноат маҳсулотлари ҳажми ( $Y$ )га миқдорий таъсирини кўп омилли регрессия тенгламаси орқали ифодалаш мумкин. Аввало боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омилларни қиёсий баҳолаш учун жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси тузилди.

Олинган корреляцион таҳлилларга кўра,  $r(x_1x_2)$ ,  $r(x_1x_3)$ ,  $r(x_1x_4)$ ,  $r(x_2x_3)$ ,  $r(x_2x_4)$  ва  $r(x_3x_4)$  коэффицентлари  $|r| > 0,7$  га эга бўлиб, мультиколлинеарлик мавжудлигини кўрсатди. Шу боис, давлат дастурларини амалга ошириш даврида Сурхондарё вилояти саноат ишлаб чиқаришига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш учун ҳар бир омил бўйича алоҳида чизикли регрессион моделлар ишлаб чиқилди.

$$y = 546,42 + 1,03x_1; \quad y = 987,98 + 4,97x_2; \quad y = -127,9 + 72,3x_3; \quad y = 965,3 + 4,55x_4$$

$$(R^2 = 0,95; F = 161,4; t_a = 3,91; t_{x_1} = 12,71), (R^2 = 0,94; F = 133,3; t_a = 7,9; t_{x_2} = 11,55), (R^2 = 0,96; F = 209,4; t_a = 0,79; t_{x_3} = 14,47), (R^2 = 0,86; F = 50,7; t_a = 4,82 \quad t_{x_4} = 7,12)$$

**Диссертациянинг «Ҳудудий саноат тармоқлари самарадорлигининг эконометрик таҳлили ва уни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобида саноат тармоқлари иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш механизми ва унинг

кўрсаткичларини баҳолаш усуллари такомиллаштирилган, тармоқлараро баланс ва оптималлаштириш моделлари асосида таҳлил қилиниб, саноатнинг комплекс самарадорлигини ошириш йўналишлари ҳамда Сурхондарё вилояти саноати иқтисодий салоҳияти прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида саноат тармоғини таҳлил қилишда ISIC (International Standard Industrial Classification) халқаро саноат стандарт таснифи мезонларидан кенг фойдаланилади. Бунда ишлаб чиқариш жараёни, технологияси, маҳсулот ва ундан фойдаланиш хусусиятлари, талаб, нарх ва бандлик кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Шунингдек, янги буюртмалар, нархлар ва бандлик кўрсаткичлари ҳам эътибордан четда қолмайди.

Тадқиқотда саноат тармоқларини тизимли таҳлил қилиш механизми ишлаб чиқилди (3-расм).



**3-расм. Саноат ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш механизми<sup>14</sup>**

Таклиф этилаётган механизмнинг аҳамияти, ҳудуд саноатлашувига таъсир қилувчи муаммолар ва омилларни таҳлил қилиш, оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш, келгусида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

<sup>14</sup>Муаллиф ишланмаси.

Сурхондарё вилояти ҳудудлари бўйича саноатнинг ихтисослашуви ҳудуднинг саноат ишлаб чиқариш даражаси табақалашувини келтириб чиқаради. Шунингдек, ҳудудий ихтисослашув меҳнат унумдорлиги ошишига, бу эса ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига олиб келади.

Ҳудудлар бўйича саноат тармоқлари ихтисослашувини характерлаш учун «ихтисослашув коэффициенти» қуйидагича ҳисобланади<sup>15</sup>:

$$X_{ij} = \frac{y_{ij}}{Y_j} \div \frac{y_i}{Y} \quad (9)$$

бунда:  $X_{ij}$  – ихтисослашув коэффициенти,  $y_{ij}$  –  $j$ -ҳудуддаги  $i$ -тармоқ ишлаб чиқариш ҳажми,  $y_i$  – ҳудудда  $i$ -тармоқ жами ишлаб чиқариш ҳажми,  $Y_j$  –  $j$ -ҳудудда жами ишлаб чиқариш ҳажми,  $Y$  – ҳудудда жами ишлаб чиқариш ҳажми.

Агар,  $X_{ij} > 1$  бўлса, у ҳолда  $j$ -ҳудуддаги  $i$ -тармоқнинг ихтисослашуви вилоят жами ишлаб чиқаришида мазкур тармоқнинг ўртача улушидан ортиқлигини кўрсатади (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Сурхондарё вилояти ҳудудлари саноат бўйича ихтисослашув коэффициенти<sup>16</sup>

№	Туман ва шаҳарлар номи	Энергетика саноати	Ёқилғи саноати	Қора металлургия	Кимё ва нефть-кимё саноати	Ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз	Қурилиш материаллари	Тўқимачилик саноати	Озиқ-овқат саноати	Ун, ёрма ва ем ишлаб чиқариш	Полиграфия саноати	Бошқалар
1.	Олтинсой	-	-	-	-	2,28	1,54	-	0,15	-	-	2,79
2.	Ангор	-	-	-	-	0,26	2,12	0,83	1,00	0,32	-	1,13
3.	Бойсун	-	-	2,69	4,23	16,34	1,54	0,28	0,83	0,29	2,50	1,53
4.	Музработ	-	-	1,14	-	2,56	2,49	0,89	0,33	0,71	-	1,14
5.	Денов	-	-	-	-	0,43	1,26	0,65	2,18	1,40	1,34	0,94
6.	Жарқўрғон	-	4,76	0,24	1,15	0,44	0,26	0,84	0,34	1,02	1,02	0,89
7.	Қумқўрғон	-	-	-	-	0,81	1,38	1,07	0,60	0,37	-	1,58
8.	Қизириқ	-	-	-	-	1,02	0,83	1,59	0,11	-	-	1,74
9.	Сариосиё	14,49	-	11,15	8,20	1,25	0,42	0,63	0,23	0,23	-	0,44
10.	Термиз	-	-	1,31	-	0,55	2,48	0,48	0,35	0,21	1,22	1,66
11.	Узун	-	-	-	-	1,23	0,71	0,37	0,20	0,13	3,72	2,89
12.	Шеробод	-	-	-	2,02	1,43	0,87	2,56	0,41	0,14	-	0,54
13.	Шўрчи	-	-	0,25	-	0,56	0,66	1,79	1,71	2,55	-	0,28
14.	Термиз ш.	-	-	0,16	-	0,29	1,31	0,97	1,83	1,50	2,40	0,77

Таҳлилларга кўра, 2019 йилда вилоятда қора металлургия саноатида Сариосиё (11,15), кимё ва нефть-кимё саноатида Сариосиё (8,20), озиқ-овқат саноатида Денов (2,18) ва Термиз шаҳар (1,83), ун, ёрма ва ем ишлаб чиқариш саноатида Шўрчи (2,55) ва Термиз шаҳар (1,50), полиграфия саноатида Узун (3,72), Бойсун (2,50) ва Термиз шаҳри (2,40) етакчилик

<sup>15</sup>Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. – М., 2003. – 113 с.

<sup>16</sup>Муаллиф ҳисоб-китоби.

қилганлигини кўрсатди. Лекин мазкур баҳолаш натижалари Сурхондарё вилояти саноат тармоқлари ривожланиш даражасини аниқ ифода этмайди.

Шу боис, саноат тармоқларининг иқтисодий кўрсаткичларини мавжуд асосий баҳолаш усуллари, яъни:

1. Саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсиш даражаси ( $Q_s$ ).

2. Меҳнат унумдорлиги даражаси ( $MU$ ).

3. Моддий-техник самарадорлик даражаси( $MT_s$ )дан фойдаланиб, саноатни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш мумкин.

Аммо саноат иқтисодий ҳолатини тўлиқ англаш учун бугунги кунда саноат ривожланишида зарур моддий ва ташкилий элементлар ҳисобланган инвестицион ва инновацион жараёнларини ҳам баҳолаш талаб этилади, яъни юқоридагиларга қўшимча тарзда қуйидаги кўрсаткичлар қўшимча қилиб киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Инвестицияларнинг саноат ўсишига таъсири даражаси ( $I_{st}$ ).

2. Инновацион салоҳият даражаси ( $IS$ ) (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Саноати тармоқлари иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш усуллари, мезонлари ва олинган натижалар (Сурхондарё вилояти бўйича)<sup>17</sup>

№	Формула	Кўрсаткичлар	Баҳолаш мезони	Олинган натижа
1.	$MT_s = \frac{Q}{A_v}$	$MT_s$ – саноатда моддий-техник самарадорлик даражаси. $Q$ – саноат маҳсулотлари ҳажми. $A_v$ – саноатда мавжуд моддий-техник воситалар.	$0 \leq MT_s \rightarrow \max$	$\approx 0,23$
2.	$I_{st} = \frac{Q_{s1} - Q_{s0}}{I_h}$	$I_{st}$ – инвестицияларнинг саноат ўсишига таъсири даражаси. $Q_{s1}$ – инвестиция киритилган даврдаги саноат ўсиши даражаси. $Q_{s0}$ – инвестиция киритишдан олдинги даврдаги саноат ўсиши даражаси. $I_h$ – киритилган инвестиция ҳажми.	$0 \leq I_{st} \rightarrow \max$	0,0038 %
3.	$IS = SK + IF + IM + IT$	$IS$ – саноатда инновацион салоҳият даражаси. $SK$ – салоҳиятли кадрлар улуши. $IF$ – инновацион фаолият улуши. $IM$ – инновацион маҳсулот улуши. $IT$ – инновацион технологиялар улуши.	$0 < IS \leq 2$ – паст, $2 < IS \leq 3$ – ўрта, $3 < IS \leq 4$ – юқори.	$\approx 0,56$

Таклиф этилаётган баҳолаш усуллари, мезонлари ва кўрсаткичлари очик тизимли бўлиб, уни ўзгартириш мумкин. Аммо бу саноат тармоқлари иқтисодий кўрсаткичлари самарадорлигини баҳолашнинг сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди.

<sup>17</sup>(2-3 кўрсаткичлар)муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Умуман, саноат барқарор ривожланиши учун уни хомашё манбаи билан таъминловчи тармоқлар ҳам нормал фаолият юритиши лозим. Яъни иқтисодиёт тармоқлари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида ҳам истеъмолчи ҳам ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. Бундай мураккаб тизимни комплекс ривожлантириш учун улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ҳолатини таҳлил қилиш талаб этилади. Буни эса тармоқлараро баланс усули орқали амалга ошириш мумкин, у ўзида ҳудуд ялпи маҳсулотининг яратилиши ва тақсимланиши, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, тармоқлар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларини акс эттиради ва келгуси режаларга эришиш учун қайси тармоқда қанча маҳсулот ишлаб чиқариш кераклигини кўрсатади.

Сурхондарё вилояти иқтисодиёти қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ( $x_1$ ), саноат ( $x_2$ ), қурилиш ( $x_3$ ), транспорт ва алоқа ( $x_4$ ) ва хизматлар соҳаси ( $x_5$ ) бўйича тармоқлараро тўғри харажатлар коэффицентини ифодаловчи баланс тенгламалар тизими ишлаб чиқилди.

$$\begin{aligned}x_1 - (0,285x_1 + 0,211x_2 + 0,0166x_3 + 0,116x_4 + 0,0271x_5) &= y_1 \\x_2 - (0,0323x_1 + 0,115x_2 + 0,191x_3 + 0,147x_4 + 0,00382x_5) &= y_2 \\x_3 - (0,0181x_1 + 0,259x_2 + 0,0116x_3 + 0,0216x_4 + 0,00731x_5) &= y_3 \\x_4 - (0,0244x_1 + 0,043x_2 + 0,179x_3 + 0,00132x_4 + 0,0131x_5) &= y_4 \\x_5 - (0,0195x_1 + 0,00391x_2 + 0,156x_3 + 0,0559x_4 + 0,00693x_5) &= y_5\end{aligned}$$

Агар, Сурхондарё вилояти саноат тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналиши экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва унинг экспортини йўлга қўйиш бўлса, унда бугунги кунда вилоят саноат маҳсулотлари экспортида юқори улушга эга тўқимачилик саноати ҳисобланади. Хусусан, 2019 йилда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти умумий экспорт ҳажмида 30,4 фоизини (маҳсулот қиймати 73469,2 минг АҚШ доллари) ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 мартага ошди.

